

№41
(1475)
2023 YIL
26-OKTYABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ

МАҚСАДИМ – ОДДИЙ ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ

Қариш шаҳрида Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиали барпо этилди. Президент Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Қашқадарё вилоятига таширфи чоғида ушбу муассасани бориб кўрди.



Жорий йил 8 сентябрда давлатимиз раҳбарининг “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика Она ва бола скрининг маркази негизда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт

марказига айлантирилмоқда. Шунингдек, қарорда мазкур марказнинг 14 та ҳудудий филиаллари ташкил этилиши белгиланган. Қашқадарёдаги ушбу муассаса ҳамма талабларга жавоб берадиган дастлабки шундай марказлардан бири. Қарийб тўрт гектарлик ҳудудда тўрт қаватли замонавий бинолар барпо этилган. Барча бўлимлар энг сўнгги русумдаги илғор техника ва ускуналар билан жиҳозланган. Юртимизда вилоятлар миқёсида ҳали бундай улкан ва замонавий тиббиёт маркази йўқ, дейиш мумкин. Бу ерда 200

ўринли вилоят перинатал маркази, 200 ўринли шаҳар туғруқхонаси, 50 қатновли скрининг маркази ва 50 қатновли репродуктив марказ ягона мажмуада жамлан-

ди. Туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёлларга туғруқ ва туғруқдан кейинги даврларда битта марказда ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратил-

ди. Марказ ишга тушгач, бу ерда бир ярим минг нафар тиббиёт ходими фаолият олиб боради.

Давоми 2 – бетда ▶

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУЖАССАМ



Соглиқни сақлаш вазир Амрилло Иноятов

Қашқадарё вилоятига хизмат сафари чоғида Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали фаолияти билан танишди.

Вазир муассасанинг болалар бўлимида бемор ўғил-қизларга совғалар улашиб, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди, яратилган шароитлар ва бу борадаги муаммолар билан қизикди. Бундай мулоқот

филиалнинг кимё-терапия бўлимида ҳам ўтказилди. Кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифат ва самарадорлигини ошириш, дори-дармонлар таъминотини яхшилаш юзасидан масъулларга зарур кўрсатмалар бе-

рилди. Ўз навбатида, бу ерда қурилиши кўзда тутилаётган бино-иншоотлар бўйича ҳам тавсиялар айтилди.

Шунингдек, вазир Қашқадарё вилоятининг чекка ва олис ҳудудларида жойлашган қатор тиббиёт муассасалари фаолияти билан боғлиқ муаммоларни жойида ўрганиб, уларнинг тезкор ечимини топиш чоралари бўйича топшириқлар берди.

@ssvuz

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ

ҲАМКОРЛИКНИНГ БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАРИ

– Таширфимиз давомида Туркия Давлатининг Соғлиқ билимлари университетида бўлди ва мазкур таълим даргоҳида Хамидие ҳамширалар факультети иш фаолияти билан танишдик. Бизни университет ректори профессор доктор Кемалеттин Аудин ва проректор профессор доктор Мердие Сендир илиқлик билан кутиб олишди.

Мазкур университетда 2 нафар профессор, 8 нафар доцент, 15 нафар профессор ёрдамчилари ва бошқа ходимлар фаолият олиб боришар экан. Делегациямиз билан таълим даргоҳининг ҳамширалар-

ни ўқитиш амалиёт хоналаридаги энг замонавий симуляцион муляж ва манекенлар ёрдамида дарс ўтиш жараёнида қатнашдик ва таълим беришнинг янги замонавий симуляцион методлари билан танишдик. Шу-

нингдек, профессор Мердия Шендир томонидан тайёрланган тақдироти “Ҳамширалар факультети” нинг иш фаолияти, ўқув режаси ҳамда дастурлари билан танишиб чиқдик. Учрашув давомида университетнинг ўқув машғулот хоналари, ўқув заллари, кутубхонаси ҳамда ўқув стимуляцион хоналарида ҳам бўлдик. Аҳамиятлиси шундаки, шу куни биз университетнинг ректори билан ҳам учрашга муяссар бўлдик, – дейди Республика ўрта тиббиёт ва



фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази

директори Лола Мусаджанова.

Давоми 3 – бетда ▶

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ

МАҚСАДИМ ОДДИЙ ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ

Давоми. Боши 1 – бетда»

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароит ва қулайликлар билан танишди. Германия, Беларусь ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасида шифокорларнинг малакасини ошириш, марказда профилактика ва даволашнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берди. Келгусида марказда йилига 8 минг нафардан зиёд патологик туғруқларни қабул қилиш имкони яратилади. Бу кўплаб оналар ҳаётини сақлашда муҳим.

Марказда, шунингдек, каминвазив ва лапароскопик амалиёт турлари 42 тага етказилади. Тубэктомия, кистоектомия, миомэктомия ва вентрофиксация амалиётлари йўлга қўйилди. Ўсмир кизлар, аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом оналикка тайёрлашдан бошлаб, ҳомиладорликда антенатал парвариш, скрининг, туғруқ ҳамда

кейинги она ва бола парвариши жараёнлари бир жойнинг ўзиде ташкил этилади.

Марказ 860 дан ортиқ маҳалла доялари билан мунтазам алоқада бўлади. Ягона электрон база орқали вилоятнинг барча ҳудудларидаги ҳомиладорлар ва туғиш ёшидаги аёллар қамраб олинади. Ўн етита марказий кўп тармоқли поликлиника таркибидаги аёллар маслаҳатхонаси ва ўн саккизта туғруқ мажмуаси билан алоқа ўрнатилди. Бу орқали марказ хавф омиллари аниқланган аёлларни тиббий текширувдан ўтказди, уларни даволайди ҳамда зарур ҳолларда республика даражасидаги тиббиёт муассасаларига йўналтиради. Никоҳланувчилар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар ҳамда чақалоқларни молекуляр тиббий-генетик текширувлардан ўтказди. Ирсий касалликлар аниқланган болаларни махсус дори воситалари ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди.

Шунингдек, Давлатимиз

раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида режадан ташқари тарзда Қарши тумани тиббиёт бирлашмасига борди.

Унинг биноси ўтган асрнинг 60-70-йилларида қурилган. Шифохона 228 бемор ўрнига ва поликлиника 250 катновга мўлжалланган. Ҳозирда тумандаги 243 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Лекин бу ердаги шароитлар шунча қамровга ва замон талабига мос эмас. Айрим жиҳозларни янгилашга зарурат бор.

Президентимиз тиббий бўлимлар ва хоналарга кириб, асл аҳволни кўздан кечирди. Бу ерга келган беморлар билан суҳбатлашди.

– Бугун Қашқадарёга келишимиздан мақсад вилоятнинг 3 ярим миллионлик аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, оғирини енгил қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш. Йўлдан ўтиб кетаётимиз, шифохона қандай экан, деб кирдим. Ҳолатни ўзим кўриб, оддий одамлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, қарор

қабул қилиш – менинг энг катта мақсад-муддаом. Аввал ҳам айтганимдек, таълим билан тиббиёт сифатли бўлса, одамлар рози бўлади. Кўп жойларда шифохоналарни яхши қилдик. Лекин Қарши туманидаги шароит менга маъқул эмас. Бугун кўрганларимдан хулоса қилиб, бу ерда янги шифохона қурамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бўлажак мажмуа ўрни ва лойиҳаси бўйича таклиф киритиш вазифаси қўйилди. Келгусида у энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади ва дори воситалари билан бепул таъминланади. Туман тиббиёт бирлашмасида ишлайдиган бир гуруҳ шифокор ва ҳамширалар хорижга малака оширишга юборилади. Шу тариқа бу маскан бошқа туман шифохоналари ходимлари учун ўқув-амалиёт марказига айланади.

Қарши шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тириш масалалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, воҳа аҳолисининг 42 фоизиде ортиқча вазн муаммоси сабаб юрак қон-томир ва қандли диабет касаллиги кўпайган. Президентимиз бу ҳолатдан ташвиш билдириб, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш ва вилоятда соғлиқни сақлаш тизими салоҳиятини ошириш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, қўшимча равишда россиялик ҳамкорлар билан Китоьда замонавий кардиология марказини барпо этиш топширилди. Вилоятда мобил поликлинаикалар хизмати йўлга қўйилди, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази негизиде 600 ўринли замонавий клиника ташкил қилинади.

Шунингдек, ташрифи чоғида кадрлар салоҳиятини ва тиббий хизматлар сифатини ошириш, шифохона атрофини тартибга келтириш масалалари ҳам айтиб ўтилди.

ЎЗА

СМИНАР

ВНЕДРЕНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В РАБОТУ МЕДИЦИНСКИХ БИБЛИОТЕК

Семинар для специалистов медицинских информационно-библиотечных учреждений – это важное событие, объединяющее специалистов из различных медицинских библиотек с целью обмена опытом, обсуждения актуальных тем и поддержания профессионального взаимодействия.

24-25 октября 2023 года на базе Государственной научной медицинской библиотеки Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (ГНМБ МЗ РУз) был проведен семинар-тренинг «Технологии виртуальной реальности в информационно-библиотечной деятельности ГНМБ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан. Внедрение искусственного интеллекта в работу медицинских библиотек» для руководителей областных научных медицинских библиотек и информационно-ресурсных центров медицинских ВУЗов Республики Узбекистан.

Для участников семинара был организован «Круглый стол», на обсуждение которого были вынесены следующие вопросы:

- искусственный интеллект в медицинских информационно-библиотечных учреждениях;
- внедрение в работу медицинских библиотек информационных технологий;

- внедрение новых нормативно-правовых актов в работу медицинских библиотек;
- определение роли и места медицинских библиотек в условиях цифровизации;
- Поисковая система ГНМБ МЗ РУз Tesseract;
- поиск научной информации на платформе EBSCOhost;
- Мастер-класс по применению Коэффициентов индексации для переоценки ИБР;
- организация работы ИБУ в современных условиях.

Интересный доклад был сделан специалистами ГНМБ МЗ РУз о внедрении искусственного интеллекта в работу медицинской библиотеки. Был проведен мастер-класс по работе с Поисковой системой библиотеки, в которую, на сегодняшний день, уже загружены около 500 тысяч полнотекстовых ресурсов на узбекском, русском и английском языках. Над этим проектом специалисты ГНМБ работают с 2020 года и эта поисковая система пользуется большим успехом



и спросом у медиков не только Узбекистана, но и стран СНГ

На семинар была приглашена председатель Общества Рерихов Наджия Монасыпова, которая выступила с интересным докладом, посвященным знаменитому австрийскому психиатру, психологу и философу Виктору Франклину, который известному как создатель логотерапии – направления в экзистенциальной психологии и психотерапии, и основателю третьей венской школы.

Также были обсуждены следующие вопросы:

Инновации в библиотечной сфере. Эффективные методы

внедрения современных технологий для улучшения обслуживания читателей. Библиотеки в цифровом мире. Интеграция электронных ресурсов, цифровых архивов и виртуальных платформ для повышения доступности информации. Профессиональное развитие библиотекарей. Обмен опытом, обучение новым навыкам и создание сетей поддержки в библиотечном сообществе. Участники активно участвовали в обсуждениях, поделились своим опытом и лучшими практиками. Желающие имели возможность установить новые профессиональные контакты.

Семинар, посвященный современным тенденциям в информационно-библиотечной деятельности, прошел с большим успехом. Мероприятие собрало под своим крылом 28 специалистов из медицинских информационно-библиотечных учреждений, создавая уникальное пространство для обмена опытом и знаниями.

Лола ЭРГАШЕВА,
заместитель директора
Государственной
научной медицинской
библиотеки Министерства
здравоохранения
Республики Узбекистан.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ

ҲАМКОРЛИКНИНГ БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 26 сентябрдаги хати ҳамда Туркия соғлиқни сақлаш вазирлигининг "USHAS"- Академияси Республикалараро соғлиқ хизматлари, "EMSEY HOSPITALI" таклифига биноан Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори Лола Мусаджанова бошчилигида вилоят филиаллари раҳбарлари жорий йилнинг 3-13 октябрь кунлари Туркия давлатига хизмат сафаридан бўлишиди. Ушбу хизмат сафаридан асосий мақсад, Туркия давлатининг тиббиёт соҳасида ҳамкорликни мустақамлаш, тажриба алмашиш, ҳамшираларни малакасини ошириш ва ўқитиш стандартлари билан танишишдан иборат бўлди.



Давоми. Боши 1 – бетда▶

Делегация шу куннинг дўзида Туркия давлатининг Анкара шаҳрида бўлиб, "USHAS"-Академиясига ташриф буюришди. Меҳмонларни "USHAS"-Академияси раҳбари Имро Айдин ва бошқа маъсул ходимлар кутиб олишди. Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги "Тиббий санитария соҳасида кадрлар тайёрлаш ва мутлақо янги тизимни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Туркия давлати ва унинг соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш, семинарларда иштирок этиш, хусусан ўрта тиббиёт ходимларини малака ошириш тизимини ўрганиш мақсадида делегация "USHAS"-Академияси дори ва тиббий асбоблар тақдироти VV" бўйича семинарда иштирок этди. Ташриф доирасида делегация иштирокчиларига Туркия соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги "USHAS"-Академияси бош директори Мурат Мержан маъруза қилди. "USHAS"-Академияси 2019 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, "Health Turkiye" соғлиқ туризми доирасида иш олиб боради. Туркия соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва халқаро жараёнда фаолият юритишига эришиш, шу билан биргаликда тиббиёт ходимлари касбий малакаларини ошириш, турли йўналишлар бўйича курсларни ташкил этиш ва ҳамшираларни ўқитиш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш режасини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади. Тиббиёт туризми соҳасида Туркия тиббиёт тизими нуфузини ошириш учун хизмат қилади. Таъкидлаш муҳимки, Туркия давлатининг соғлиқни сақлаш тизимида 11 600 га яқин тиббиёт муассасалари мавжуд. Умумий ётоқ жойла-

ри 305 000 тани ташкил қилади улардан 48 753 таси реанимацион беморлар учун мўлжалланган. Тизимда 194 910 нафар доктор, 42 312 тиш доктори ва 1 358 500 нафар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатадилар. Йил давомида 160 миллион бемор шифохоналарда тиббий ёрдамдан фойдаланар экан. Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори Лола Мусаджанова йиғилишда сўзга чиқиб, ҳамширалик соҳаси, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими ҳамда шу кунгача хорижий ҳамкорлар билан олиб борилган ишлар, жумладан, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Германия, Ҳиндистон каби давлатлар билан меморандумлар имзоланганлиги тўғрисида гапириб ўтди. Шунингдек, Туркия давлатига ташриф буюришдан мақсад, олий таълим муассасалари билан академик алмашинуви йўлга қўйиш, геронтология, интенсивтерапия, шошилич тез тиббий ёрдам тизими ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича ўзаро билим алмашиш ва меморандум имзолаш ҳамда келажакда ўрта тиббиёт ходимларининг билим салоҳияти ва тажрибасини ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди. Делегация аъзолари ташриф доирасида 112-тез тиббий ёрдам тизими фаолияти билан ҳам танишилди. Тизим 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, 44 та станциядан иборат бўлиб, 2023 йилга келиб эса уларнинг сони 3 366 тага етган. ASOS-тизими иш йўналишлари ва беморларни қабул қилиш ва тақсимлаш ишлари тўғрисида ҳам маълумот берилди. Бунинг баробарида SAKOM- Фавкулотда вазиятларда ёрдам кўрсатишнинг тизимли амалга ошириш

усуллари тўғрисидаги маъруза тингланди ва шундан сўнг амалиёт жараёнлари кузатилди. Ташриф доирасида иштирокчиларга Анкара шаҳар шифохонаси профессор доктори Муге Айхан, профессор доктори Хатича Рахмет Гайнер, профессор доктори Бурак Кивелер, координатор Согтер Бекимлар ўз маърузаларини тақдим этдилар. Делегация иштирокчилари шифохонанинг юқумли касалликлар бўлимида



бўлиб, шифохона ичи инфекцияси, бўлимни пандемия давридаги иш жараёнлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимларини инфекция нозорат ўқув дастурлари билан танишилди. Улар ҳамшираларни малакасини ошириш тизими билан қизиқишди. Бўлимда 4 ва 6 ҳафталик ўқишга мўлжалланган программа бўйича ҳамшираларни ўқитиш ишлари тўғрисида маълумот олишди. Юқумли касалликлар бўлимида ҳамшира 1 ҳафта назарий билимларни олиб, 3 ҳафта амалий машғулот жараёнларини ўтайди. Бу 130 соат назарий ва 132 соат амалий машғулот дарсларидан иборат экан. Сертификат олиш учун 70 соатлик таълим олиниб, имтиҳондан ўтгандан сўнг сертификат берилди ва ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Сертификат учун ўқиш 5 йилда 1 маротаба жорий этилади. Ҳозирда 13 та йўналиш бўйича ўқитиш ишлари олиб борилади ва дастури Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий қилинган. Булар қуйидаги йўналишлар; катталар, болалар реанимацияси, неонотология, катталарда шошилич тез тиббий ёрдам, болаларда тез тиббий ёрдам, диетология, қандли диабет, стоматология, яралар парвариши, онкология, акушерлик иши, уй ҳамшираси ва психиатрия бўйича мавжуд йўналишларда ҳамширалар ўз малакаларини оширадilar. Семинардан сўнг иштирокчилар бўлимларда ҳамшираларни иш



жараёнлари билан танишилдилар. Шу билан бирга "USHAS"-Академияси қошидаги тиббиёт микробиология ва лаборатория ўқув даргоҳида бўлиб, у ерда тингловчилар учун яратилган шарт-шароитлар, лаборатория хонасининг тузилиши, ўқитиш усуллари замонавий техник жиҳозлар ва уларни ишлатиш жараёни ҳамда талабалар томонидан яратилган макропрепаратлар билан яқиндан танишилди. Делегация аъзолари ташриф давомида Анкара шаҳар шифохонанинг юрак-қон томир тизими касалликлари бўлимида ҳам

шу куни "USHAS"- Академияси билан меморандум имзоланди. Шунингдек, иштирокчилар шифохонанинг реанимация бўлимида бўлишди. Бу бўлимда фаолият юритувчи ҳамширалар албатта малака оширган ва сертификатга эга бўлишлари талаб этилиши алоҳида айтиб ўтилди. Кейинги ташрифда кардиология бўлими ҳамшираларни иш тартиби ва бу бўлимда фаолият олиб борувчи ҳамширалар алоҳида эътибор билан ўқитилиши ҳамда 80 соат назарий, 200 соат амалий, жами 280 соат дарс машғулотлари олиб борилиши тўғрисида маълумот берилди. Улар шифохонанинг онкология нур-терапия, эндокринология, акушерлик ва геникология, лаборатория, гемодиализ, болалар бўлимлари фаолияти билан танишилди. Делегация иштирокчилари университет кутубхонаси ҳамда ўқув стимуляцион хонаси билан ҳам танишиб чиқдилар. Улар Туркиянинг EMSEY HOSPITALга ташриф буюришди. Делегация аъзоларини профессор доктор Найреддин Йекелер бошчилигидаги маъсул шахслар кутиб олишди ва EMSEY HOSPITAL фаолияти тўлиқ акс эттирилган видео лавҳа намойиш этилди. Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори Лола Мусаджанова сўзга чиқиб, тизим фаолияти тўғрисида маълумот берди ва келажакда ўзаро ҳамкорлик ишлари янада бардавом бўлишига ишонч билдирди. Шу ўринда айтиш лозимки, иштирокчилар Ўзбекистон Республикасидан EMSEY HOSPITALда даволанаётган бемор болалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашдилар.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Республика ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлайдиган Туркия давлатида "USHAS" Академияси билан ўзаро ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш, онлайн дарс машғулотларини йўлга қўйиш, марказ педагог ходимларини малакаларини ошириш, Туркия иш тажрибаларини ва ўқитиш методикасини ўрганиш орқали тажрибали ҳамширалар корпусини шакллантириш ва бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириши шубҳасиздир.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ПРЕВЕНТИВ КАРДИОЛОГИЯ: БИРЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАДАН – КАРДИОРЕАБИЛИТАЦИЯГАЧА

Жорий йилнинг 23-24 октябрь кунлари пойтахтимизнинг "Hyatt Regency" меҳмонхонасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан "Превентив кардиология: бирламчи профилактикадан- кардиореабилитациягача" мавзусидаги анжуман бўлиб ўтди. Тадбир онлайн ва офлайн тарзда олиб борилди.

Келинг, яхшиси марказимиз ва унинг филиалларида олиб борилаётган фаолиятларга эътибор қаратсам. Президентимизнинг тиббиётимизга бўлган эътиборлари боис, охириги йилларда давлатимиз томонидан кардиология соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Унинг натижасида тиббиёт муассасалари жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланди, юқори технологик даволаш ва диагностика усуллари амалиётга кенг



Мазкур анжуманда 1000 нафарга яқин соҳа мутахассислари иштирок этди. Улар орасида АКШ, Германия, Швейцария, Дания, Бельгия, Польша, Миср, Россия, Беларусь, Украина, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларининг 80 нафарга яқин етук кардиолог ва олимлари қатнашди. Анжуман кун тартибидан юрак-қон томир касалликларининг бирламчи профилактикаси, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, юқори технологик амалиётлар ҳамда тиббий реабилитация масалаларига бағишланган 216 та илмий маърузалар ўрин олган эди. Анжуманда Ўзбекистонлик ва Марказий Осиё ҳамда Хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар ҳамда соҳа мутахассислари кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича маърузалар қилишди. Таъкидлаш муҳимки, бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришга, жумладан кардиология соҳасини жаҳон андозаларига мос равишда юксалтиришга, юрак-қон томир хасталиклари туфайли юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ижроси энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бевосита анжуман ишига эътибор қаратар эканмиз, кардиология соҳасининг етук олимлари ўз чиқишларида мазкур йўналишдаги долзарб масалаларга ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар шунингдек, фаолиятларида қўлланилаётган амалиётларга эътибор қаратдилар. Анжуман давомида иштирокчилар билан суҳбатда бўлдик.



Хуршид ФОЗИЛОВ, Республика ихтисослаштирилган Кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор:
– Юртимизда ўтказилган нуфузли анжуманда кардиология соҳасининг кўплаб долзарб масалаларга ечим топилди десам муболага бўлмайди. Навбатдаги илмий анжумани юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, профилактик тадбирларни аҳоли орасида кенг қамровли ўтказиш, замонавий диагностика усуллар ёрдамида аниқ ташхислаш, консерватив ва юқори технологик даволаш усуллари билан даволаш, ўткир миокард инфаркти ўтказган беморларни, интервенцион ва кардиожаррохлик амалиётларидан кейин реабилитация тадбирларини тизимли равишда амалга ошириш каби кардиологиянинг долзарб масалаларига бағишланди. Тадбирнинг кун тартибида белгилаб олинган илмий маърузалар кенг аудиторияга етказилди. Анжуманга ташриф буюрган хорижлик мутахассисларимиз ҳам ўзларининг маърузалари билан иштирок этганликларини ўзи бу борадаги тажриба қўламларимизни алмашишига асос бўлди.

жорий этилди. Ҳозирги кунга келиб, марказимизда замонавий интервенцион жаррохлик, кардиожаррохлик, интервенцион аритмологик даволаш ва диагностика усуллари муваффақиятли амалга оширилмоқда, йилга 4000 дан ортик беморларда ушбу даволаш амалиёти қўлланилмаяпти. Бундай усул билан даволаш орқали юрак-қон томир касалликларининг энг оғир тури бўлмиш миокард инфаркти олди олинмоқда. Бу борада Давлатимиз раҳбарининг 2022 йилнинг 26 январь куни қабул қилинган “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 103-сонли қарори билан аҳоли орасида юрак қон томир касалликларини эрта аниқлаш, самарали даволаш ва олдини олишда бирламчи бўғин шифокорларининг масъулиятини ошириш, туман тиббиёт бирлашмаларини замонавий кардиологик тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, худудларда юқори технологик даволаш ва диагностика усуллари жорий қилиш, интервенцион кардиология, интервенцион аритмология, кардиожаррохлик каби замонавий тиббий йўналишларни вилоятлар кесимида йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, муассасамизни трансформация қилиш, янги илмий тадқиқот лабораториялари, янги даволаш ва диагностика бўлимларини ташкил этиш белгилаб берилди. Бунинг учун қиймати 5 миллион долларлик замонавий тиббий ускуналарни давлат ҳисобидан олиб бериш кўзда тутилган. Ҳозирги кунга келиб коронарография, стент-

лаш амалиётлари, интервенцион аритмология амалиётлари деярли барча вилоят марказларида ўтказилмоқда. Марказининг Урганч, Наманган, Қарши, Жиззах филиалларида очик усулдаги мураккаб юрак жаррохлик амалиётлари йўлга қўйилди. Бундай усулларнинг йўлга қўйилиши вилоят аҳолисининг Тошкент ва хорижий мамлакатларга даво излаб боришларини анча камайтирди. Шу билан бирга чет эл валютасининг Республикамиздан четга чиқиб кетиши олди олинмоқда. Бу йил Марказнинг Бухоро ва Фарғона вилоят филиалларида ҳам янги замонавий рентгенэндоваскуляр жаррохлик бўлими ишга туширилди ва ангиограф ускунаси ўрнатилди.

Марказимизда ташкил этилган юракнинг мураккаб аритмияларини электрофизиологик усулда диагностика ва даволаш бўлимида яна бир юқори технологик усул-радиочастотали абляция (РЧА) ва юрак блокадаларида электрокардио стимуляция (ЭКС) усуллари амалга оширилмоқда. Ҳозирда радиочастотали абляция усули-кардиологик беморларни даволашда қўлланилган халқаро стандартларга мос келувчи юқори технологик усул ҳисобланади. Марказининг жаррохлик бўлимида очик усулдаги мураккаб операциялар амалга оширилади. Бу ерда юрак ишемик касаллигининг оғир турларида аорта коронар шунтлаш (АКШ), туғма юрак нуксонларини жаррохлик усули билан протезлаш каби мураккаб операциялар ўтказилмоқда. Марказда йилга 500дан ортик беморда бундай мураккаб операциялар

муваффақиятли бажарилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда марказда амалга оширилаётган юқоритехнологик даволаш усулларининг сони, сифати ва қўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бундай инновацион усуллар сирасига юрак клапанларини эндоваскуляр усулда протезлаш, юрак қоринча ва бўлмачалари тўсиғидаги туғма нуксон- тешикларни кўкрак қафасини очмасдан, периферик томирлар орқали кириб, окклюдер ёрдамида беркитиш, АКШ операциясини ишлаб турган юракда амалга ошириш ва бир нечта шунт қўйиш, бир вақтнинг ўзида юракда 2 ва ундан ортик ўта мураккаб операцияларни ўтказиш, яъни АКШ + юрак клапанларини протезлаш + юрак мушаклари деворини пластика қилиш + юрак қоринча ва бўлмачалари ичидан ивиб қолган тромбни олиб ташлаш, бўлмачалар хилпиллашида РЧА, мураккаб юрак етишмовчилигида, дилатацион кардиомиопатияда ресинхронизировчи терапияни амалга ошириш (СРТ) каби ўта мураккаб операциялар қиради. Ҳозирги кунда кардиожаррохлик операцияларини кам инвазив усулда, яъни тўш суягини кесмасдан, қобиргалар орасидан кичик кесма орқали юракка етиб бориб мураккаб операцияларни ўтказиш йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида беморларда операциядан кейинги бўладиган реабилитация жараёнининг асоратларсиз ўтишида, беморнинг умумий ҳолати тез яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кардиология марказида малакали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Марказда ташкил этилган клиник ординатура курсларида ҳар йили 25 нафардан ортик кардиолог мутахассис тайёрланади. Охириги ўн йилликда марказда 300 нафардан ортик кардиолог тайёрланиб, ҳозирда булар мамлакатимизнинг турли даволаш муассасаларида хизмат қилишмоқда. Марказимиз ва Россиянинг Тиббий профилактика ва терапия маркази билан имзоланган меморандумга асосан бу йилдан бошлаб, клиник ординаторларни тайёрлаш бўйича “Икки диплом дастури” йўлга

